



ЎзХДП: устувор вазифалар

Дастурий мақсадлар ижроси

Бизга ишонган ва суянган кишилар манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга

Сийёсий партиялар ҳаётий гоёларни илгари суриши, мамлакатни ривожлантириш стратегиясига нисбатан аниқ позицияга эга бўлиши демократик ислохотларни чуқурлаштириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда муҳим ўрин тутаяди.

Конституциямиз қабул қилинганнинг 21 йиллиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил якунлари ва жорий йилдаги устувор вазифаларга бағишланган мажлисида бу борада қатор фикрлар билдирилди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари, шаҳар, туман кенгашлари раислари иштирокида Термиз шаҳрида ташкил этилган семинарда ушбу фикрлардан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.



Янги иш ўринлари яратиш, таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш, коммунал соҳани такомиллаштириш, уй-жой қуриш ва аҳоли яшаш шарт шартларини ободонлаштириш каби ишлардан, аввало, партиямиз электорати манфаатдор бўлади, шу боис бу масалада қатъият кўрсатилиши зарур.

Давоми 2-бетда.

Муносабат

НАВРЎ:

МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ЭЗГУЛИК БАЙРАМИ

Атрофдагиларга эзгулик улашиш, қариялар, ёлғизлар ҳолидан хабар олиш, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш халқимизга хос фазилатлардир. Минг йиллардан бери нишонланиб келинган Наврўз байрами кунлари бу миллий анъаналар бўй-баста билан намойён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2014 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳиятида ҳам бу бебаҳо кадрлар акс этиб турибди.

Дарҳақиқат, қарорда таъкидланганидек, бугунги кунда ушбу умуммиллий байрамнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири, одамлар қалбида эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби олижаноб туйғуларни кучайтириш, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий қадрият ва анъаналаримиз руҳида камол топтириш борасидаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Қарорда кўрсатилганидек, Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш мақсадида республика миқёсида Ташкилий қўмига тузилиб, унинг ҳудудий бўлиmlлари ташкил этилди. Мамлакатимизнинг вилоят, шаҳар, туман, маҳаллаларида бу байрамни умумхалқ сайллари шаклида «Хар кунимиз Наврўз бўлсин!» шiori остида кўтаринки руҳда ўтказиш мақсад этиб кўйилди.

Қарорда, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган байрам дастурларига фольклор гуруҳлари, бадий хаваскорлик жамoаллари, оилавий ансамбллари, бахши-шоирлар, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини танлов асосида жалб этиш, байрам дастурларини тайёрлашда халқ ўйинлари, фоль-

клор санъати намуналарига, эл-юртимизнинг дилидан чуқур жой олган, гўзал инсоний туйғуларни юксак пардаларда тараққий этадиган куй ва кўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш кўзда тутилган. Шунинг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, Наврўз ҳақиқатан ҳам юрагимиздаги айём, халқимиз қадим анъаналари уфуриб турган байрам.

— Наврўзда маҳалла-кўй, одамлар ўртасидаги ижтимоий бирдамлик ёрқин намойён бўлади, — дейди меҳнат фахрийси, 2-гуруҳ ногирони Билол ота Аминов. — Иш, турмуш ташвишлари билан қўли-қўлига тегмай ўтаётган одамлар Наврўз баҳона ҳамсухбат бўлади, бир-бирига кўнглини очади, ўртада маслаҳат бўлади. Шу тариқа инсоний ришталар янада мустаҳкамланади, бирдамлик ҳисси ортади.

Кекса ва бемор кишиларнинг ҳолидан хабар олинади. Кўнгли ярим, ёрдамга муҳтож кишиларга меҳр улашилади, совгалар берилади. Наврўз ҳаммани ҳалолликка, покликка, шукроналикка ундайди. У борлиқнинг бетакрор манзараларини, одамларнинг озу-истакларини кўра билиш ва англиш фаслидир. Бир сўз билан айтганда, Наврўз — янгилик, яшариш ва одамларни меҳр-оқибатли бўлишга, ризқ-рўз яратишга даъват этувчи Йилбоси.

Наврўз шундай илохий, муқаддас байрамки, уни қанчалик хушнуд қутиб олсақ, эзгу ниятларни кўнглига жо этсак, ризқимиз шунчалик бутун, толеимиз баланд бўлади.

Обиддин МАХМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП

Худудлар иқтисодий-тараққиётини ривожлантириш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини кенгайтириш орқали аҳолининг бандлик даражаси ҳамда реал даромадларини ошириш тарафдоридир.

Янги қонун кучга кирди

Инсон ҳуқуқларининг ҳимояси янада мустаҳкамланди

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида судлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қиладиган мустақил давлат институтига айланди.

Одил судловни амалга оширишни таъминловчи замонавий талабларга жавоб берадиган қонунчилик базаси яратилиши билан бирга, умумий юрисдикция судларининг ихтисослаштирилгани уларнинг жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича фаолияти самарадорлигини оширди.

Соҳада кадрлар салоҳиятини оширишга бўлган эътибор бу жараёнда муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 2 августда қабул қилинган «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўра, судьяларнинг иш ҳақи оширилгани бунинг яққол далилидир. Уларнинг хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан оладин даромадлари жисмоний шахслар даромадларидан олинган солиқ тўловларидан

озод қилинди. Имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш, шунингдек, турар-жой ижараси учун ҳар ойда пул компенсацияси тўлаб бориш тартиби жорий этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 30 ноябрда қабул қилинган «Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони судья кадрларини танлаш, малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришга кенг йўл очди.

2014 йил 21 январда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун матбуотда эълон қилинди. Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва Солиқ кодексларига, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Судлар тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Консти-

туциявий суди тўғрисида»ги қонунларга ва бошқа меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

«Судлар тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгаришга кўра, эндиликда судья бўлаётган шахс ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича, авваламбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлиши талаб этилади. Чунки бу тизимда ишлаш давомида ходим ўз билим ва малакасини ҳар жиҳатдан ошириш, суд-ҳуқуқ тизимидаги давлат сиёсатининг моҳиятини чуқур англаш билан бирга, ўзига хос ҳаётий тажрибага ҳам эга бўлади. Судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасида турган шахслар эса белгиланган тартибда ўқиши ва стажировка ўташи шарт.

Давоми 2-бетда.

Ижтимоий ҳимоя

Шўрчи туманидаги «Темур Малик» кўп тармоқли хусусий савдо ишлаб чиқариш корхонасида маҳаллий хомашёдан турли ўлчамдаги чарм тасма, волейбол, футбол, гандбол тўллари каби 30 турдан ортиқ спорт анжомлари тайёрланадиган.

Яқинда корхонада пойабзал цехи ишга туширилди ва 10 нафар киши бандлиги таъминланди. Жорий йилда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига яна 50 та янги иш ўрни яратилади.

Янги цех ишга тушди

— Партиямизнинг Сайловолди дастурини аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакилларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш устувор вазифаси этиб белгиланган, — дейди ЎзХДП Шўрчи туман кенгаши депутати, «Шўхрат» медалли соҳибиси Райхона Раҳимова. — «Темур Малик» томонидан арзон, сифатли, энг муҳими хорижийликдан асло қолишмайдиган турли-туман спорт анжомлари воҳадаги умумтаълим ва спорт мактабларига етказиб берилмоқда. У ерда меҳнат қилаётганларнинг аксарияти коллеж битирувчиларидир. Яхши, қўлай меҳнат шaroити, юқори иш ҳақи ва янги иш ўринлари электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилишда айна мудоао ҳисобланади.

Ўз мухбиримиз.

«Ўзбекистон овози» сайтыда ўқинг

Электорат манфаати ҳимояси

самарали бўлиши учун ҳаётни чуқурроқ ўрганиш, аниқ ташаббусларни кўпайтириш керак бўлади



www.uzbekistonovozi.uz

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

Оилавий хўжалик юритиш анъаналари

ривожланиши аҳоли бандлигини таъминлайди, турмуш фаровонлигини юксалтиради

Азал-азалдан ота-боболаримиз бир ишнинг бошини тутиб, ҳунар эгаси бўлиб яшаган, оила тебратган, эл-юртга хизмат қилган. Биров деҳқончилик, биров чорвадорлик билан шуғулланса, яна кимдир ҳунармандчилик ёки хизмат кўрсатишни йўлга қўйган. Ҳар кимнинг ўз ҳунари, ҳар оиланинг ўз юмуши бўлган. Яъни, юртимизда асрлар давомида оилавий хўжалик юритиш кўникмаси шаклланиб келган. Ота-оналар ва фарзандларнинг ишлаб чиқариш ҳамкорлиги маънавий ва моддий манфаатлар уй-ғунлиги асосида ташкил қилинган.

Анвар БОЙҚУЛОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

Оилавий иш юритиш, унга раҳбарлик қилиш низо ва жанжалларсиз, ишлаб чиқариш жараёнига ҳеч қандай салбий таъсир етказилмаган ҳолда авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Шу йўл орқали яратилган моддий бойликлар тақсимланишидаги мезонлар аъзолар ҳиссдорлиги билан эмас, оиланинг фаровонлигига хизмат қилиши билан ўлчанади.

Уй меҳнатининг аҳамияти, халқимизнинг тарихий рўзгор тутуши анъаналарига мослиги ҳақида узоқ гапириш мумкин. Партиямиз дастурида бу меҳнат турининг аҳоли бандлигини таъминлаш, хизмат кўрсатишни яхшилаш, қолаверса, оилаларнинг даромад манбаларини мустаҳкамлашда муҳим омил эканига алоҳида эътибор қаратилган. Уни ривожлантиришга ҳуқуқий шароит ва имконият яратиш бўйича вазифалар белгиланган.

Давоми 2-бетда.

Самарқандда ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳамда вилоят партия кенгаши ҳамкорлигида семинар ўтказилди. Унда партия ташкилотлари ва гуруҳлари олдида турган энг устувор вазифалар, партия Сайловолди дастурини амалга ошириш механизмлари билан самарали фойдаланиш масалалари муҳокама этилди.

Семинар тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сонларидан бирида танишасиз.

ЎзХДП: устувор вазибалар



Дастурий мақсадлар ижроси

бизга ишонган ва суюнган кишилар манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга

Семинарда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Хотамжон Кетмонов иштирок этиб, мамлакатимизда олиб борилаётган тарихий бунёдкорликлар, юрт равнақи йўлида амалга оширилаётган беқиёс ишлар халқимизнинг кайфиятини кўтариб, турмуш тарзини тубдан ўзгартираётгани ҳақида тўхталди. Ана шу жараёнларда партиямиз фаоллари, депутатлар муносиб иштирок этиши лозимлиги қайд этилди.

Айниқса, янги иш ўринлари яратиш, таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш, коммунал соҳадаги ўзгаришларни такомиллаштириш, уй-жой қуриш ва аҳоли яшаш жойларини ободонлаштириш каби ишлардан, аввало, партиямиз электорати манфаатдор бўлиши, шу боис бу масалада қатъият кўрсатилиши зарурлиги уқтирилди.

Шунингдек, ҳар бир партия ташкилоти ўз фаолиятига тан-

Давоми. Боши 1-бетда.

қидий баҳо бериб, камчиликларни бартараф этиш ва фаолиятини такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиши лозимлиги таъкидланди.

Бу борада депутатлик сўрови, депутатлик назорати механизмида кенг фойдаланиш кераклигига эътибор қаратилди. Жойларда бандлик дастури ижросини таъминлаш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, мазкур масалалар ижроси устидан депутатлик назоратини ўрнатиш муҳим аҳамиятга эгаллиги айтилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Алишер Содиков эса ҳар бир соҳада олиб борилаётган изчил ислохотлар натижасида халқимизнинг турмуш фаровонлиги йил сайин яхшиланаётганига эътибор қаратди. Буни мамлакатимизда янги иш ўринлари яра-

тиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қилинаётган улкан ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Утган йилда аҳолининг реал даромади 16 фоизга ошган

Ворисларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида 2013 йилнинг декабрь ойида ЎзХДП Музработ туман ва Термиз шаҳар кенгашлари ташаббуси билан иқтисодий форумлар ташкил этилди. Касб-хунар коллежлари битирувчиларидан 23 нафарининг бизнес лойиҳалари истиқболли, деб топилди ва уларга имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашилди.

бўлса, ўртача ойлик иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 20,8 фоизга кўпайган. Бу эса аҳолининг иж-

тимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатлами манфаатини ҳимоя қилишни ўзининг устувор вазибаси, деб ҳисоблаган Ўзбекистон ХДП дастурий гоёларига тўла мос келади ва бу ўз навбатида партия ташкилотлари зиммасига улкан масъулият юклайди.

— Фаолиятимизда асосий эътиборни партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида белгиланган вазибаларни бажаришга қаратаямиз, — деди ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Иброҳим Ёқубов.

— Бу борада ўтган йили халқ депутатлари барча туман Кенгашлари сессиялари кун тартибига долзарб ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга масалалар киритилди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2013 йил 28 июнда бўлиб ўтган сессиясида партия гуруҳимиз томонидан «Вилоятда умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларига тўлиқ қамраб олиш, ёшларнинг 12 йиллик мажбурий таълим олишини таъминлаш, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш ҳамда таълим муассасаларининг янги 2013-2014 ўқув йилига тайёргарлиги бўйича кўрилаётган тадбирлар самарадорлиги тўғрисида»ги масала киритилди.

Ушбу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Қарор ижроси бўйича депутатлик назорати ўрнатилган. Айни кунларда ҳудудда 120 дан ортиқ касб-хунар коллежи ва академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Бу таълим даргоҳларида 142 минг нафардан ортиқ ўқувчи билан олиб, касб-хунар ўрганмоқда. Ворисларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида 2013 йилнинг декабрь ойида ЎзХДП Музработ туман ва Термиз шаҳар кенгашлари ташаббуси билан иқтисодий форумлар ташкил этилиб, бир қатор касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳалари истиқболли, деб топилди ва уларга имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашилди.

— Ёшларни қўллаб-қувватлаш

устувор вазиба, — деди «Ўзсаноатқурилишбанк» Сурхондарё минтақавий филиали Термиз минибанки мудирини, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Уткир Ҳожимуродов. — Бу борадаги хайри ишларни жорий йилда ҳам мунтазам давом эттирмаймиз. Зеро, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши янги иш ўринлари яратиш, мустақил ҳаётга қадам қўётган ёшларимизнинг хунар эгаси бўлишларида асосий қафолатдир.

— Шу юртнинг фарзанди эканлигимдан гурурланаман, — деди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, ЎзХДП аъзоси Вероника Володина. — Орамизда иқтидорли, ташаббускор, изланувчан тенгдошларимиз кўп. Улар билан биргаликда Соғлом бола йили муносабати билан «Ёшлар маркази» ташкил қилиш борасида излашни олиб бораёяман. Бундан қўзланган асосий мақсад — гайратли, янгиликка интилувчан партиядошлар сафини кўпайтиришдир. Келажакда жойларда учрашув, кеча ва давра суҳбатлари ташкил қилинади. Бу эса ёшлар муаммоси, уларни қийнаётган масалаларга ечим топишда муҳим ўрин тутди.

Тадбир якунида 2014 йилги ижтимоий-иқтисодий вазибаларни ҳал этишда партиянинг



ҳар бир ташкилоти, гуруҳи фаол иштирок этиши зарурлиги таъкидланди, электорат манфаатлари йўлида аниқ натижаларга эришиш устувор вазиба этиб белгиланди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Янги қонун кучга кирди

Инсон ҳуқуқларининг ҳимояси янада мустақкамланди

Бу тартиб-қоидалар соҳага ҳар томонлама етук кадрларни, хусусан, муайян ҳаётини ва иш тажрибасига эга шахсларни жалб этиш орқали суд ишлари самарадорлигини ошириш, энг муҳими, инсон ҳаёти ва тақдири билан боғлиқ масалаларни адолатли ҳал этишни таъминлайди.

Қонун асосида судьяларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратиш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш билан боғлиқ масалалар янада такомиллаштирилди. Жумладан, судьялик лавозимига сайланганлиги ёки тайинланганлиги туфайли ишдан озод қилинган шахсларга уларнинг ваколатлари туғганидан кейин аввал эгаллаб турган иши (лавозими) берилиши, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаганда эса, аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилмаган бўлди. Бу уларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаб, Бош Қомусимизда мустақкамланган фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларининг амалий ифодаси ҳамдир.

Судьяларнинг ваколат муддати туғандан сўнг

Давоми. Боши 1-бетда.

уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи янги ваколат мuddатида қайта сайлаш ёки қайта тайинлаш учун ҳужжатлари кўриб чиқилмаган даврда ёхуд янги иш жойига ишга жойлаштирилгунга қадар, кўпи билан уч ойгача сақлаб қолинади.

Мазкур ўзгаришлар ҳокимиятнинг алоҳида тармоғи бўлмиш судларнинг жамиятдаги обрўсини янада кўтаришга, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустақкамлашга, судьялар ҳаётининг моддий-маиший шароитларини сезиларли даражада яхшилашга хизмат қилади. Бу каби чоратадбирларнинг амалда таъминланиши судлар фаолиятини такомиллаштириш, одил судловни сиқатли амалга ошириш, фуқароларнинг конституциявий асосда қафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун устуворлиги, ижтимоий адолат, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини янада кенгроқ ва тўлароқ таъминлашга хизмат қилади.

Мирвазёл МИРАҚУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалиёт қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи. (ЎЗА)

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

Ҳар бир ўқув таъсирчан бўлиши

мавзунинг танланиши ва замонавий усуллардан қай даражада фойдаланишимизга боғлиқ

ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент вилоят кенгаши томонидан Зангиота туманида ўтказилган семинарда шу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

— Жойларда ташкил этилаётган сиёсий ўқувларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида уларда депутатлар, сиёсатшунослар, мутахассисларнинг фаол иштироки таъминланиб, интерфаол услублардан кенг фойдаланилмоқда, — деди ЎзХДП Зангиота туман кенгаши раиси Моҳира Акрамова. — Бу эса партия дастурий мақсадларини аҳоли орасида тарғиб қилишда таъсирчанлигини оширмоқда. Жорий йилнинг биргина январь ойида «Демократик ислохотларни амалга ошириш — ёруғ келажакимизнинг мустақкам пойдевори» мавзусида мавжуд 70 та бошланғич партия ташкилотининг ақсариятида сиёсий ўқув вазибалари тарғиботи олиб боришда сиёсий технологиялардан самарали фойдаланиш мавзусида ҳам сиёсий ўқувлар муваффақиятли ўтказилмоқда. Туман кенгашида 2013 йилда 20 та сиёсий машғулот ташкил этилиб, унда 1000 дан ортиқ тингловчи қатнашди.

Тадбирда таъкидландики, энг муҳими, қанча ўқув ўтказилганида эмас, уларнинг таъсири, иштирокчиларга қай даражада фойдаланиш мавзусида қандайдир. Кейинги пайтда партияимизда бу борада катта тажриба тўпланди. Буни семинар иштирокчиларининг савол-жавоб, фикр алмашувдаги фаоллигидан ҳам англаш мумкин.

— Ахборот-маърифат хоналарида ўқув адабиётлар, услубий қўлланмалар ва матбуот нашрлари, барча сиёсий партияларнинг ҳақиқий тарғиботи билан иш олиб боришининг самарадорлигини ошириш хусусида фикр билдиришди.

Басандобону ЖАЛИЛОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

Оилавий хўжалик юритиш анъаналари

ривожланиши аҳоли бандлигини таъминлайди, турмуш фаровонлигини юксалтиради

Таъкидлаш керакки, юртимизда оилавий хўжалик юритишнинг ҳуқуқий асослари йилдан-йилга такомиллашиб борапти. Хусусан, 2012 йилнинг апрелида кучга кирган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» қонунда уй меҳнатининг турли шакллари белгилаб берилди ва бу аҳоли бандлигини таъминлашга кенг имконият яратди.

Мазкур Қонунда ўз ишини йўлга қўйишнинг янги шакли — оилавий корхонанинг ҳуқуқий асоси белгиланди. Унга тегишли имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар белгилаб қўйилди. Жумладан, оилавий корхона ягона солиқ тўловчи ҳисобланади, корхонанинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлагандан кейин қолган фойдаси унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ҳамда унга

Давоми. Боши 1-бетда.

солиқ солинмайди. Шунингдек, товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишда фойдаланилган коммунал хизматлар ҳақи аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида тўланади.

Оилавий корхона бозор шароитига мослашувчан, янги техника ва технологияларни тез ўзлаштири олади. Улар бозор талабларидан келиб чиқиб, янги турдаги товарлар ишлаб чиқариши, бозорда талаб юқори бўлган ишларни бажариши, хизматлар кўрсатиши мумкин.

Агар ҳарон тажрибасига эътибор қаратсак, бугунги кунда айрим мамлакатларда жами кичик корхоналар орасида оилавий корхоналарнинг улushi юқори суръатларда ўсмоқда. Бу кўрсаткич, масалан, Швеция, Швейцарияда 90, Италия, АҚШ ва Канадада 95, Австралида 75, айрим яқин шарқ давлатларида қарийб 95 фоизни ташкил қилмоқда.

Таҳлилларга кўра, мамлакатимизда оилавий корхонанинг асосан аънанавий кўринишлари ривожланиаяпти. Истеъмол товарлари, қурилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, суг ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш

ва сотиш, чакана савдо ҳамда умумий оқватланиш, аҳолига хизмат кўрсатиш шулар жумласидандир.

Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Республикаимиз бўйича 2704 та оилавий корхона рўйхатдан ўтган. Лекин, афсуски, оилавий корхоналар ривожланиши учун тегишли қонун билан катта имкониятлар яратилганига қарамай, шу кунга қадар айрим туманларда оилавий корхоналар ташкил бўлмаган.

Бунинг асосий сабабларидан бири — қонун билан берилган имтиёزلардан фуқаролар етарли даражада хабардор эмас. Демак, оммавий ахборот воситалари орқали, шунингдек, турли тадбир ва учрашувларда бу масалани кенгроқ тарғиб этишимиз зарур.

Бунда партияимиздан сайланган депутатларнинг ўрни катта бўлиши керак, деб ўйлайман. Қонун ижросидаги муаммо ва камчиликларни аниқлаб, уларнинг натижаларини жамоатчилик, тадбиркорлар иштирокида, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларида муҳокама қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мониторинг натижаларига кўра, қонун ижроси билан боғ-

лиқ масалаларда айрим ташкилий муаммолар мавжудлиги маълум бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун ижросини ташкил этиш билан боғлиқ қарориди ҳар бир мутасадди ташкилот вазибалари белгилаб қўйилган.

Аммо мутасадди ташкилотлар, хусусан, туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциялари, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзтрансгаз» АҚ, «Давархитектурилиш» давлат қўмитаси томонидан мазкур қонунни амалда қўллаш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунга мувофиқ шаклда тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Бу ҳолат эса қонун ижросига салбий таъсир этаяпти. Айрим тадбиркорларнинг оилавий корхона сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан, норасмий фаолият билан шуғулланишига олиб келяпти.

Ҳар бир туман ва шаҳарда оилавий корхонанинг афзалликларини ифодаловчи кўргазмали воситаларни жойлаштириш, оилавий корхонанинг муҳандислик коммуникация тармоқлари-

га улашиш шартларини ишлаб чиқиш, коммунал хизматлардан фойдаланганлик учун тўловни амалга оширишга оид меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни қонунга мувофиқлаштириш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Оилавий корхоналар ривожини аҳоли бандлигини оширишда, даромад манбаларини шакллантиришда, оилаларнинг моддий ва маънавий асосларини мустақкамлашда, умуман, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий эттиришда муҳим ўрин тутди. Шундай экан, оилавий корхоналар қўпайиши ва ривожланишига тўсиқ бўлаётган камчиликларни бартараф этишда ЎзХДПнинг барча ташкилотлари, депутатлари бирдек фаол иштирок этиши талаб этилади. Шунингдек, оилавий хўжалик юри-

тиш аънаналари бозор иқтисодиёти шароитига мос равишда такомиллашиб бориши учун соғлом муҳит яратишимиз, қонун ижросига масъулият билан ёндашишимиз зарур бўлади.

Орамиздаги одамлар

Илм ва матонат йўли

Устоз билан суҳбатлашиш ниятида унинг уйига борадиган бўлдик. Домла телефон орқали ҳайдовчига йўлни шунчалик аниқ тушунтирдикки, йўл ёқасидаги ҳар бир дарахт, ҳар бир уйгача аниқ тасвирлаб берди, ҳеч қийналмай манзилга етдик. Ҳайдовчига ҳозиргина кўзи ожиз инсон билан гаплашганини айтганимда, у ҳайратдан ёқа ушлади...

Ота-онаси мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс бергани туфайли Санжарда болалигиданоқ адабиётга ҳавас уйғонди. Ҳали мактаб ёшига етмасдан «Зайнаб ва Омон», «Ойгул билан Бахтиёр», Муҳимий ижодидан парчаларни ёддан билар ва иқтидори билан кўпчилики ҳайратда қолдирарди. У кўзи ожизлар мактаб-интернатини имтиёзли аттестат билан битирди. Ушундан бундай ўқувчилар университетга имтиҳонсиз қабул қилинарди. Афсуски, шу йили имтиёз бекор қилинди. Бироқ бу талаба бўлишига қатъий аҳд қилган йигитни аҳдидан қайтарма олмайди. Ҳеч иккиланмасдан Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг ўзбек филологияси факультетига ҳужжатларини топширди. Мактабда олинган билим ўзи самарасини берди, бешта имтиҳондан ҳам аъло баҳо олган Санжар энг юқори балл билан талабалikka қабул қилинди.

Брайль ёзуви шарофати билан мен дунёни хис қилиш, идрок этиш, бадиий ва танқидий асарларни ўқиш, улар маънаси аширинган мазмун ва гўзаллики, сир-синоатни аниқлаш етиш бахтига муяссар бўлдим, — дейди филология фанлари доктори, профессор Санжар Содиков. — Тақдир менга кўриш бахтини бермаган. Лекин шу билан ҳаммаси тамом дегани эмас эди. Мен ўқийшим, илм олишим мумкин. Бунинг имконияти бор. Нима учун ундан фойдаланмаслик керак. Мана, ҳаётимдан нолимайман. Қандай мақсад кўйган бўлсам ҳаммасига эришяпман...

Инсон қалб кўзи билан ҳатто кўзи очилар кўролмаганини кўриши мумкин экан. Санжар Содиковнинг умр йўлига назар ташлар экансиз, бунга ўзингиз амин бўласиз.

У университетнинг III курсида ўқийётган пайтида Абдулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» комедияси муаллиф иштирокида муҳокама қилинди. Бу воқеа ҳақида Санжар Содиковнинг устози Ўзбекистон Қаҳрамони, марҳум Озод Шарафидинов «Ҳар бир инсон бир мўъжиза» мақоласида шундай ёзади: «Кунлардан бирида «Тобутдан товуш» комедиясини жамоа бўлиб томоша қилдик, кейин асар муаллифи иштирокида муҳокама бошланди. Кўпчилик қатори Санжар ҳам сўз сўради. У асар ҳақида анча жўяли фикрлар айтди ва ролларни ижро этишда айрим артистларнинг маҳоратини мисоллар билан таъкидлади. Жумладан, Суқуров ролини ижро этган Саъидхон Табибуллаев тўғрисида жуда чиройли гап айтди... Суқуров... зийфат уюштириб, унда стол-



Фотурх АЛИЕВ олган суратлар.

нинг тўрида туриб олиб, қадаҳ сўзини айтиди. Гаплар ҳавойи, баландпарвоз, осмону фалакда. Обиджон, «пастроқ тушинг» (яъни «одмироқ гапирверинг одамга ўхшаб») деган маънода танбех беради. «Шунда, — деди Санжар муҳокамада, — актёр столнинг тўридан чиқиб, ён томондаги, яъни пастроқдаги стуллардан бирига ўтади». Санжарнинг бу гапини эшитиб, Абдулла Қаҳҳор ёқа ушлади: «Воажаб, мен асарнинг муаллифи бўлиб, тўрткўз бўлиб спектаклни кудати туриб, актёрнинг бу харақатини сезмабман, Санжар эса сезибди...»

Санжар Содиков аспирантуранга тугатгач, университетда талабаларга дарс бера бошлади. Шу кунга қадар унинг икки юзга яқин адабий танқидий мақоласи ва 28 та китоби нашр этилди. «Оламни яшнатувчилар», «Ҳозирги ўзбек адабиёти», «Сўз санъати жозибаси», «Янги ўзбек адабиёти», «Ижоднинг ўттиз лаҳзаси», «Маҳорат чўққилари», «Янги талқин мевалари» китоблари илмий жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди.

Санжар Содиков радио тинглашни яхши кўради. Аммо радио бузилиб қолса, уни устага олиб бормади, ўзи тузатади. Бир сафар кафедрада турадиган радиоприёмникни созлаганида ҳаммаслари қалб кўзи жисмидаги кўздан не чандон ўткир бўлиши мумкинлигига яна бир бор имон келтиришган эди. Санжар ака адабиётшунос-лик, адабий танқидчилик билан бирга радиожурналистика соҳасида ҳам жиддий ишлатувчилар олиб борди. У 2001-2011 йилларда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетидан радиожурналистика фанидан маърузалар ўқиди ва «Радиожурналистика асослари» китобини ёзди.

Жисминда бир нуқсон бўлса, ўзинг истагандек яшаш, фаолият юритишда айрим ноқулайликлар туғилиши табиий. Бироқ Санжар Содиков бу ҳақда гапиришчи, ҳатто саволларнигизга жавоб беришни ҳам хоҳламайди. Озод Шарафидинов у ҳақида шундай ёзган эди: «Санжарни ўйлаганда, одамнинг бардамлиги, тетиклиги фақат жис-

Маънавият

Мамлакатимиздаги тинч-осойишта ҳаёт — Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигидан халқимиз эришган энг катта бойлик, барча ислоҳот ва ютуқларимизнинг бош омилдир. Уни кўз қорачиғидек асраш ҳар бир юртдошимизнинг муқаддас бурчидир.

МУҚАДДАС БУРЧ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Маданият саройида «Маънавият таҳдид — келажакка таҳдид» мавзусида ташкил этилган тадбирда шулар ҳақида сўз борди. Фарзандликнинг маънавий оламни юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш долзарб аҳамиятга эга экани таъкидланди. Бунда маҳалла профилактика инспектори хизматининг ўрни ва ролини янада кучайтириш мумкин ўрин тутди. Чунки, профилактика инспектори нафақат жиноятчиликка қарши курашувчи, балки аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган тадбирларни амалга оширишда ҳам фаол иш олиб борувчи бўлмоғи лозим.

Норғиза ХУСАНОВА,
Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети магистранти.

Бандлик

Ангренада янги завод

У «Олмалик тоғ-металлургия комбинати» оқиқ акциядорлик жамияти томонидан «Ангрена» махсус индустриал зона ҳудудида ишга туширилди.

Корхонада диаметри 4,5 миллиметрдан 50 миллиметргача бўлган мис қувурлари ишлаб чиқарилмоқда. Лойихани амалга

ошириш учун 35,48 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланди. Ийлига 8 минг тонна маҳсулот

ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ушбу заводда 200 нафарга яқин ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилган. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг қарийб 100 фоизи хорижий давлатларга экспорт қилинади.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Эълон «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ

риэлторлик ташкилоти оммавий оферта савдосига таклиф этади

Оммавий оферта савдосига «KINDER FRUITS» МЧЖнинг куйидаги кўчмас мулк объекти кўйилмоқда:

Савдо объектнинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли	Савдо объектнинг жойлашган манзили ва асосий фаолият йўналиши	Савдо объектнинг бошланғич баҳоси (сўм)	Савдо тури
«KINDER FRUITS» МЧЖнинг Каттақўрғон заводи	Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри, Ингичка кўчаси, 10-уй. Мева-сабзавотни қайта ишлашга мўлжалланган мулкӣ мажмуа.	7 406 246 667,0 (етти миллиард тўрт юз олти миллион икки юз қирқ олти минг олти юз олти миш етти)	Оммавий оферта

Оммавий оферта шартлари:
Оммавий оферта савдоси голиби, савдо объекти сотилиш баҳосидан 10 фоиз миқдоридида маблагни савдо ўтказилгандан сўнг бунак пули сифатида, кейинги 5 фоиз миқдоридида маблагни олти ой мобайнида, қолган қисмини етти йил муддатда олди-сотди шартномасига асосан сотувчининг ҳисоб-рақамига тўлаши шарт.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминоти ни таъминлаш билан боғлиқ барча харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғуртлаш билан боғлиқ, савдо ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлари ва юзага келадиган бошқа харажатлар, харидор ҳисобидан амалга оширилади.

Оммавий оферта савдосини ўтказиш кўни: **2014 йил 6 март.** Оммавий оферта савдоси **соат 15:00**да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуш шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали)да ўтказилади.

Оммавий оферта савдосида белгиланган талабларга риоя этган барча юридик ва жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари қатнашишлари мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар, савдо ташкилотчиси билан риэлторлик хизматини кўрсатиш тўғрисидаги шартноmani тузишлари ҳақида савдо объекти

бўйича ўзларининг ақцепт аризаларини топширишлари лозим. Савдо объекти талабгорга унинг ақцепт аризасидидаги таклифлари сотувчининг оммавий оферта савдоси шартларига мос келган тақдирда сотилади. Агарда савдо объектига бир нечта талабгордан ақцепт аризалар топширилса, савдо объекти оммавий оферта савдоси шартларини бажарган ва энг юқори нарх таклиф этган талабгорга сотилади.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

Tahrir Hay'ati:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidinov	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Реклама

ТЕНДЕРНАЯ КОМИССИЯ ГАЖК «УЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙУЛЛАРИ»



объявляет тендер №1 2014 года на приобретение оборудования по производству молочных продуктов в количестве одной единицы.

За тендерной и технической документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Узбекистон темир йуллари», Управление «Темирйул-ёнилитгабмин». **Телефон:** 237-94-72, **факс:** 238-84-43. **E-mail:** israilov55@mail.ru



Заявки на участие в тендере принимаются в течение 30 дней с момента выхода объявления в средствах массовой информации.

ОБ-ҲАВО 27-28 — 02. 2014

Юртимиз бўйлаб (°С)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

-10 / -15	-2 / +3	
Бухоро ва Навоий вилоятлари	-2 / -7	+7 / +12
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	-2 / -7	+3 / +8
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	-2 / +3	+8 / +13
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	-2 / -7	+3 / +8
Тошкент шаҳри	-3 / -5	+6 / +8
Дунё бўйлаб (°С)		
Лондон	+9 / +6	
Париж	+8 / +8	
Москва	+2 / +1	
Мадрид	+8 / +13	

«Агробанк» оқиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси банк ходими Муниса Абдурахмонова турмуш ўртоғи **Абдухамид АБДУРАХМОНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия илҳор этади.